

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

15-сон  
(99)  
2004 й.  
апрель

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Учинчи бўлим

177. «Курилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарори

178. «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустахкамлаш бўйича Республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 182-сон қарори

179. «Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги 183-сон қарори

### Бешинчи бўлим

180. «Давлат улушини бошқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини

бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 4 мартдаги 38, 01 /06-04-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 апрелда 1262-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

181. «Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 474-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 апрелда 957-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
182. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 мартдаги 563-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 апрелда 1337-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
183. «Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 25 марта 52-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 апрелда 1338-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
184. «Олий таълим муассасалари талabalарига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқномани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004 йил 10 марта 2-П, 43-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 апрелда 1339-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 10 апрелдан 16 апрелгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **177 Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Капитал қурилишда бозор принципларининг яхлит тизмини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий ўйналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонида ва Ҳукуматнинг капитал қурилишда ислоҳотларга доир кейинги қарорларида белгиланган капитал қурилишда янги хўжалик муносабатларига самарали ўтишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди:**

**1. Қўйидагилар:**

Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага\* мувофик;

Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофик тасдиқлансан.

**2. Қўйидагилар** Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қабул қилинган қонун хужжатлари ва норматив хужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши, пудрат ва лойихалаш ишлари бозорининг шакллантирилиши бўйича доимий мониторингни амалга ошириш;

бозор принциплари ва механизmlарини капитал қурилишда бошқарув, нарх белгилаш ва хўжалик муносабатлари тизимиға кенг жорий қилишни, лойихалаш ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмаларни жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар) ташкил этиш даражасини оширишни, пудрат шартномалари ролини кучайтиришни ҳамда уларнинг ижроси юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг жавобгарлигини оширишни, қурилишда лойиха, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашни таъминлаш;

қурилишни ташкил этишининг асосий шакли сифатида, қурилишда обьектларни фойдаланишга тайёр ҳолда барпо этишга ўтиш, марказлаштирилган манбалар хисобига амалга ошириладиган обьектлар қурилишини ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

loyihchalash ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тугаллаш, улар негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, лойихалаш ва пудрат ишлари бозорида рақобат

\* 1-илова берилмайди.

муҳитини шакллантиришни давом эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан мониторинг ўрнатиш;

Капитал қурилишда нарх белгилашнинг смета-норматив базасини такомилластириш ва янгилаш дастурининг ўз вақтида амалга оширилиши, янги ишлаб чиқилган смета-норматив хужжатларни қурилиш жараёни қатнашчиларига етказиш устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

курилиш материаллари бозорини янада кенгайтириш, қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари биржа савдосини ташкил этиш ва ривожлантириш тизимини такомилластириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

курилиш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар бериш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва лицензияларни бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурластиришга доир қабул қилинган хужжатларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича Ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 19 июнядаги 278-сон қарори билан тузилган Ҳукумат комиссиясининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларга доир вазифалари ва функциялари Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссиясига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан ва баъзиларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
181-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) фаолияти тартибини белгилайди.

2. Комиссия ўз фаолиятини қурилиш муносабатларини ислоҳ қилишни таъминлашни ташкил этиш, қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишини чуқур таҳлил қилиш, ислоҳотларни янада чуқурластириш бўйича ташаббус кўрсатиш ва таклифлар тайёрлаш мақсадида амалга оширади.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва конун-

ларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармийшларига, Ҳукумат қарорларига ва ушбу Низомга амал қиласди.

4. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органларининг ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг бажариши учун мажбурий ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари ҳузурида қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича худудий комиссиялар (кейинги ўринларда худудий комиссиялар деб атала-ди) фаолият кўрсатади.

6. Худудий комиссияларнинг низомлари ва таркиблари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари томонидан тасдиқланади.

## **II. Комиссиянинг вазифалари ва фаолият йўналишлари**

7. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Шахарсозлик кодексини ва қурилиш соҳасида-ги бошка конун ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капи-тал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўна-лишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонини ва Ҳукуматнинг қурилишда ислоҳотлар бўйича қарорларини, шунингдек капитал қурилишни ислоҳ қилишга йўналтирилган бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни бажаришни таъминлашга доир ишларни ташкил этиш;

қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ҳамда Ҳукумат қарорларида баён қилинган талаблар ва қоидаларнинг ўз вактида, тўлиқ бажарилиши мониторингини мунтазам равишда амалга ошириш, қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсати изчил амалга оширилишини таъминлаш;

бозор принциплари ва механизмларини капитал қурилишда бошқарув, нарх белгилаш ва хўжалик муносабатлари тизимида кенг жорий қилишни, лойихалаш ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмаларни жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар) ташкил этиш даражасини оширишни, пурдат шартномалари ролини кучайтиришни ҳамда уларнинг ижроси юзасидан буюртмачилар ва пурдатчиларнинг жавобгарлигини оширишни, қурилишда лойиха, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашни таъминлаш;

қурилиш жараёни қатнашчиларининг жорий хўжалик фаолиятига маъмурий аралашувга йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш;

қурилиш соҳасидаги бошқарув органлари ташкилий тузилмасини хўжалик юритишининг бозор шакллари талабларига мувофиқ такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш;

loyihahalash ва пурдат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тугаллаш, улар негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, лойихалаш ва пурдат ишлари бозорида рақобат мухитини шакллантиришни давом эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан мониторинг ўрнатиш;

қурилишни ташкил этишининг асосий шакли сифатида, қурилишда обьектларни фойдаланишга тайёр ҳолда барпо этишга ўтиш, марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган обьектлар қурилишини ташкил этиш ва молиялаш-

тириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини назорат қилиш;

Капитал қурилишда нарх белгилашнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш дастурининг ўз вактида амалга оширилиши, янги ишлаб чиқилган смета-норматив хужжатларни қурилиш жараёни катнашчиларига етказиш устидан таъсиран назоратни амалга ошириш;

капитал қурилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг ахволини таҳлил қилиш, капитал қурилишни янада ислоҳ қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларнинг ижроси мониторингини олиб бориш, уларни қурилиш жараёни катнашчиларига етказиш;

курилиш материалари бозорини янада кенгайтириш, қурилиш материалари, конструкциялари ва буюмлари биржа савдосини ташкил этиш ва ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

курилишдаги иқтисодий ислоҳотларни доимий равишда методик ва хуқуқий таъминлашни, қурилиш ва қурилиш бизнеси соҳасида хўжалик юритишнинг замонавий методларини эгаллаган кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

курилиш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш хуқуқига лицензиялар бериш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва лицензияларни бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

### **III. Комиссиянинг хуқуқлари**

8. Комиссия қўйидаги хуқуқларга эга:

тегишли идоралар ва ташкилотлар, шунингдек худудий комиссиялар раҳбар ходимларининг қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича улар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги хисоботларини эшитиш;

Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

курилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича худудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасига паст рентабелли, зарар кўриб ишлабётган ва истиқболиз қурилиш ташкилотлари ва корхоналарини қайта ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларидан Комиссияга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур ахборотларни сўраш;

тегишли вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар мутахассисларини, институтларнинг олимларини ҳамда қурилиш йўналишидаги олий ўқув юртлари ўқитувчиларини материаллар тайёрлаш учун жалб этиш;

жойларда қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг лавозимига лойиқлигини ва амалий фаолияти натижаларини баҳолаш, ўз ваколатлари доирасида қурилиш комплексини юқори малақали мутахассислар билан мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар кўриш;

лицензияланган фаолият соҳасидаги конун хужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш.

#### **IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

9. Комиссияга Вазирлар Махкамаси қарори билан тайинланадиган раис рахбарлик қиласи.

Комиссия раиси Комиссия ишларини бошқаради, мажлисларини олиб боради, мажлислар протоколларини, иш режаларини ва Комиссиянинг бошқа хужжатларини тасдиқлади.

10. Комиссия мажлислари тасдиқланган иш режасига мувофиқ ҳар ойда камиди бир марта ўтказилади. Комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

11. Комиссиянинг кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарори унинг учун Комиссия аъзолари оддий кўпчилиги овоз беришган тақдирда қабул қилинган хисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ёзма равишда ўз фикрини билдиришга ҳақлиди.

12. Комиссия раиси билан келишувга кўра Комиссиянинг объектив сабаблар билан мажлисда қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари мажлисда овоз бериш ҳукуқисиз қатнашиши мумкин.

13. Комиссия раиси қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида Комиссия аъзолари билан келишилган айрим масалалар бўйича Комиссия қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

14. Зарурат бўлганда Комиссия мажлисига кўриб чиқилаётган масалалар характеристига қараб, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилади.

15. Комиссия ҳар чоракда Вазирлар Махкамасига амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

#### **V. Комиссия мажлисига материалларни тайёрлаш тартиби**

16. Комиссия мажлисига материаллар ишчи органлар томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек Комиссиянинг уларни тайёрлаш учун масъул бўлган аъзолари билан биргаликда Комиссиянинг иш режасига мувофиқ тайёрланади.

17. Комиссия мажлиси кун тартибининг ҳар бир масаласи бўйича ҳужжатлар пакетида Комиссия қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган материаллар (тахлий маълумотномалар, жадваллар ва бошқалар) ҳамда Комиссия қарори лойиҳаси мавжуд бўлиши керак.

#### **VI. Комиссиянинг ишчи органлари ва котиби**

18. Кўйидагилар:

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Давлат мулки қўмитасининг юқори малакали мутахассисларидан 5 кишидан иборат доимий ишлайдиган ишчи гурух;

курилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Комиссиянинг ишчи органлари хисобланади.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича ишчи гурухнинг шахсий таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

19. Комиссиянинг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича ишчи органи:

Комиссиянинг навбатдаги давр учун иш режаси лойиҳасини тайёрлайди;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларни ўз вактида тайёрлашни таъминлайди ва вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалири, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, корхоналар ҳамда Комиссия аъзоларидан зарур материалларни ва эксперт хулосаларни олиш ҳуқуқига эга;

кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлашни ва Комиссия мажлисларини ўтказишни ташкил қилади;

Комиссияга қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнлари мониторинги бўйича ахборотлар ва таҳлилий материалларни кўриб чиқиш учун тақдим этади;

жойларга борган ҳолда худудий комиссиялар фаолиятини ва Комиссиянинг қабул қилинган қарорлари бажарилишини ўрганади;

Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни, тегишли материалларни юборган ҳолда, мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссияга унинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни кўриб чиқиш учун тақдим этади.

20. Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича ишчи орган Комиссия қарорларига мувофиқ лицензияларни расмийлаштиради, қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиласи, қонун хужжатларида белгиланган тартибда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради ва тиклайди.

21. Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича ишчи орган ишлари Вазирлар Махкамасининг «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш хақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорига мувофиқ ташкил этилади.

22. Комиссия котиби:

ишчи органлар ишларига раҳбарлик қиласи;

Комиссия қарорларининг ижроси мониторингини юритади ва унинг натижаларини Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

ишчи органларнинг Комиссия мажлисига материалларни тайёрлашга доир ишларини ташкил қиласи;

Комиссия раиси билан мажлиснинг ўтказиладиган муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар контингентини келишиб олади;

Комиссия протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни Комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишни бошқариш тузилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 13 апрелдаги 144-сон қарорининг 2-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан ташкил этилган комиссиялар ва кенгашлар таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 30 сентябрдаги 374-сон қарорига 23-илова.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Курилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда):

2-банд ва 7-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

1—6-иловаларнинг 2-бандларидағи «Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси» сўzlари «Курилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси» сўzlари билан алмаштирилсин;

Курилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларга иловалар сифатида берилган схемалардаги «Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш комиссияси» сўzlари «Курилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2003 йил 27 декабрдаги 574-сон қарорига 2-иловада:

илованинг номи кўйидаги таҳrirда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Курилиш, курилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари аппарати тузилмаси»;

«Республика комиссияларига раҳбарлик қилиш» бўлимидағи учинчи ва тўртинчи хатбоши кўйидаги таҳrirда баён қилинсин:

«Курилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**178 Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси ишларини ташкил этиши таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қила-ди**:

1. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссиялар ташкил этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишириш масалалари бўйича ўринбосарлари минтақавий комиссияларнинг раислари хисобланади;

минтақавий комиссиялар таркиби Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимлари билан келишган ҳолда Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

4. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси:

бир ой муддатда Муддатида тўланмаган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш, пеня хисоблашни тўхтатиш, шунингдек солиқлар ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли фонdlарига тўловлар бўйича пеняни хисобдан чиқариш тўғрисидаги низомга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришларни белгиланган тартибда киритсин;

муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссия тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
182-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 182-сон қарорига  
ИЛОВА

**Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик  
қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини  
мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 61-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хисоб беради.

2. Комиссия ўз фаолиятини тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш бўйича чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловлар ва хисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, бюджетга ҳамда давлат мақсадли фондларига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушишини таъминлаш, бюджетта ҳамда давлат мақсадли фондларига қарзларни қисқартириш ва улар вужудга келишининг олдини олиш, кейинчалик ушбу чоратадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида амалга оширади.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларининг вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, банклар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ҳузурида Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари бошчилик қиладиган муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссиялар ташкил этилади.

6. Минтақавий комиссиялар таркиблари Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда Комиссия томонидан тасдикланади.

**II. Комиссиянинг вазифалари**

7. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари хисобланади:  
иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида хисоб-китоблар механизмини такомил-

лаштириш ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда банк ва молия муассасалари томонидан тўлов интизоми ва хисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ тўланиши масалалари бўйича амалдаги қонун хужжатлари нормаларига қатъий риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари холатини тахлил килиш, корхоналар ва ташкилотларнинг муддати ўтказиб юборилган қарзлари таққосланишини мунтазам равишда ташкил этиш ҳамда уларни қисқартириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўриш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларнинг вужудга келишига йўл кўймаслик, айланма маблағлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг сақланишини ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Хукумат қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бюджетга ва давлат мақсадли фондларига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ва давлат мақсадли фондларидан қарзларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш.

### **III. Комиссиянинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

вазириклар, идоралар, банклар, солиқ ва молия органлари, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, маҳаллий давлат бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳолати, солиқ ва тўлов интизоми масалалари бўйича хисоботларини эшлиш ҳамда тегишли органларга хисоб-китобларни юритишининг белгиланган тартибини, юкорида кўрсатиб ўтилган масалаларни тартиба солувчи қонун хужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш;

хўжалик юритувчи субъектларга қарзларни (асосий суммани, пеняларни, жарима санкцияларини) тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини қонун хужжатларида белгиланган тартибда бериш, пеня хисоблашни тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, пеняларни хисобдан чиқариш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли фондларига ҳамда вазириклар ва идораларнинг бюджетдан ташқари фондларига солиқлар ва тўловлар бўйича жарима санкциялари белгилаш тўғрисида карор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тақдимига кўра, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонун хужжатларида белгиланган муддатларда ўз устав сармояларини шакллантирган тугатилаётган корхоналарнинг бюджет ва давлат мақсадли фондларидан қарзларини хисобдан чиқариш тўғрисида карорлар қабул қилиш;

тўловга қодир бўлмаган истеъмолчиларга ва буюртмачиларга маҳсулотлар сотишнинг, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг айланма маблағларининг, шу жумладан тайёр маҳсулотлар захираларига ва тугалланмаган курилишга жалб этилиши сабабларини ва йўналишларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш ва қисқартириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва кўриш;

корхоналар, ташкилотлар, вазириклар ва идоралардаги дебиторлик ва кредиторлик

торлик қарзларнинг ҳолатини таққослашни ташкил этиш, таққослашлар асосида мазкур қарзларни қисқартириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан бюджетдан ва давлат мақсадли фондларидан қарзларни энг кўп микдорда қисқартириш учун банклар кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобига ўзаро ҳисоб-китобларнинг мақсадли схемаларини амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, корхоналар ва ташкилотларнинг бюджетга ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарзларни тўлашга йўналтириладиган мақсадли маблағлар харакати тартиби ва йўналишини тасдиқлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан Комиссияга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур ахборотларни олиш;

молия, солик ва божхона органлари, тижорат банклари, вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини Комиссия ваколатига кирувчи масалалар юзасидан, конун хужжатларида белгиланган тартибда текшириши ташкил этиш;

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига иқтисодий ночор корхоналарни санация қилиш ёки уларга нисбатан банкротлик тартиботини бошлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар киритиш;

республика конун хужжатларини такомиллаштириш бўйича солик солиш ва ҳисоб-китоблар тизимини яхшилашга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Махкамасига киритиш;

минтақавий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

9. Комиссиянинг тўлов интизомини ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ва давлат мақсадли фондлари билан ҳисоб-китоб қилиш юзасидан жавобгарлигини ошириш соҳасидаги конун хужжатларига риоя этиши шарт.

#### **IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

10. Комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан тасдиқланади.

11. Комиссияга ҳамраислар — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ҳамда Молия вазири бошчилик қиласидар, улар Комиссия ишига раҳбарлик қиласидар, унинг мажлисларини олиб борадилар, Комиссиянинг мажлислари протоколларини, иш режаларини ва бошқа хужжатларини тасдиқлайдилар.

12. Комиссия мажлислари иш режасига мувофиқ, бироқ йилнинг хар чорагида камида бир марта ўтказилади. Ҳамраислар навбатдан ташқари мажлислар чақиришлари мумкин.

13. Комиссиянинг иш натижалари ҳамраислар ёки мажлисни ўтказган ҳамраси томонидан тасдиқланадиган протокол шаклидаги қарорлар билан расмийлаштирилади.

14. Комиссиянинг мажлисда узрли сабабларга кўра қатнаша олмаётган аъзолари мажлисга ўзларининг овоз бериш хукуқига эга бўлмаган ваколатли вакилларини юборишлари мумкин.

15. Тезкорлик билан қарор қабул қилиш мақсадида Комиссия ҳамраислари Комиссия аъзолари билан келишилган айрим масалалар бўйича қарорларни сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

16. Комиссия ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига ҳисоб беради.

#### **V. Комиссия мажлислари учун материалларни тайёрлаш тартиби**

17. Комиссия фаолиятини ташкил этиш учун Комиссиянинг масъул котиби бошлилик қиласидан Комиссия котибияти ташкил этилади. У Комиссия котиби — Марказий банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти директори, Марказий банк, Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг ваколатли ходимларидан иборат бўлади. Котибият таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг масъул котиби ва котиби (кейинги ўринларда Комиссия котиблари деб аталади) ишлари солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларнинг ўз вактида тушиши ва (ёки) солиқлар ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли фонdlарига тўловлар бўйича қарзларни бўлиб-бўлиб тўлаш масалалари ҳамда муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш масалалари бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

18. Комиссия котиблари:

Комиссия иш режаси ишлаб чиқилишини, унинг бажарилиши устидан назоратни, шунингдек тасдиқланган иш режасига мувофиқ Комиссиянинг жорий ишлари ташкил этилишини;

Комиссия котибияти билан биргаликда ушбу Низомга иловага мувофиқ Комиссия мажлисларига материалларни тайёрлашни;

Комиссия котибияти томонидан вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, банклар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда Комиссиянинг қабул қилинган қарорлари бажарилиши мониторинги мувофиқлаштирилишини, Комиссия ҳамраисларига тегишли ахборотлар ва таклифлар киритилишини;

келиб тушган хат-хабарларнинг кўриб чиқилишини, уларнинг ўрганиш ва ишлаб чиқиш учун Комиссия котибияти аъзоларига юборилишини;

Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларнинг тегишли материалларни юборган холда мажлис ўтказиладиган сана, вакт ва жой тўғрисида хабардор қилинишини таъминлайди.

19. Комиссия котибияти:

навбатдаги давр учун Комиссиянинг иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди;

келиб тушган хат-хабарларни кўриб чиқади, Комиссияда унинг ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлайди ва уларни умумлаштириш учун Комиссия котибига беради;

Комиссиянинг навбатдаги мажлислари учун барча зарур материалларнинг ўз вактида тайёрланишини таъминлайди;

Комиссия қарорларига биноан ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолиятини назорат қиласиди;

ахборотлар ва таҳлилий материалларнинг, шу жумладан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг қисқартирилиши, солиқлар, ўйфимлар ва бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари фонdlарга бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вактида тўланиши мониторинги натижаларини Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Комиссиянинг қарорларига мувофиқ Комиссияга кўриб чиқиш учун бошқа материалларни тақдим этади.

20. Комиссия котиблари ўз функцияларини амалга ошириш учун вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, банклар, корхоналар ва Комиссия аъзоларидан Комиссия фаолиятига тегишли масалаларга оид ахборотларни сўраш ва олиш хукуқига эга.

21. Комиссия мажлислари учун материаллар давлат ва хўжалик бошқаруви

органлари, юридик шахслар бирлашмалари, корхоналар, шунингдек Комиссиянинг иш режасига мувофиқ уларнинг тайёрланиши учун масъул бўлган шахслар томонидан тайёрланади ҳамда Комиссиянинг навбатдаги мажлисидан камида ўн кун олдин, агар бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, Комиссия котибиятига киритилиди.

22. Комиссия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича хужжатларда қарор қабул килиш учун зарур бўлган материаллар (таҳлилий маълумотномалар, жадваллар, хуносалар, илтимосномалар, таклифлар ва уларга асослашлар ҳамда бошқа материаллар) ҳамда Комиссия қарори лойиҳаси мавжуд бўлиши керак.

#### **V. Иш юритиш тартиби**

23. Комиссиянинг кўриб чиқиши учун мўлжалланган хатлар, илтимосномалар, таклифлар, маълумотномалар ва бошқа хат-хабарларда «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қискартириш ва бюджетта тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси» сўzlари кўрсатилиши шарт.

Комиссияда кўриб чиқиши учун мўлжалланган хат-хабарлар:

муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қискартириш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига;

солиқлар ва бюджетта мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушиши ва солиқлар ҳамда бюджетта давлат мақсадли фонdlарига қарзларни тўлаш муддатини кечикириши ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига юборилади.

Келиб тушган хат-хабарлар тегишли равишда Марказий банкда ва Давлат солиқ қўмитасида бошқа хат-хабарлардан алоҳида рўйхатдан ўтказилади ва Марказий банк раисига ҳамда Молия вазирига юборилади.

Келиб тушган хат-хабарлар Комиссиянинг тегишли ҳамраиси кўриб чиққандан кейин Комиссия ҳамраиси топшириқномаси билан ижро этувчиларга юборилади.

Хатлар, илтимосномалар, таклифлар ва бошқа хат-хабарлар кўриб чиқиши учун юборилган ижро этувчилар ўн кун муддатда ёки ҳамраис топшириғида белгиланган муддатларда ўз таклифларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва Давлат солиқ қўмитасига киритадилар.

24. Комиссия котибияти аъзолари келиб тушган хат-хабарларни кўриб чиқадилар, Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлайдилар ҳамда умумлаштириш учун уларни Комиссия котибларига берадилар.

Экспертиза пайтида камчиликлар аниқланган тақдирда хужжатлар пухта ишлаб чиқиши учун хат юборувчига қайтарилади.

25. Комиссия котиблари Комиссия аъзолари билан биргаликда таклифларни умумлаштирадилар, Комиссия мажлиси протоколи лойиҳасини тайёрлайдилар ва уни келишиш учун Комиссия аъзоларига юборадилар.

26. Комиссия аъзолари Комиссия протоколи лойиҳасини белгиланган тартибда келишиб оладилар.

27. Комиссия котиблари протокол лойиҳасини Комиссия мажлисига киритадилар, мажлис якунларига кўра уни пухта ишлаб чиқадилар ва Комиссия ҳамраисларига (ёки мажлисни ўтказган Комиссия ҳамраисига) тасдиқлаш учун киритадилар.

28. Комиссия ҳамраислари (ёки мажлисни ўтказган Комиссия ҳамраиси) Комиссия мажлиси протоколини тасдиқлайди.

29. Комиссия котиблари Комиссия мажлисининг тасдиқланган протоколини

Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг Макроиқтисодий ривожланиш таҳлили ва стратегияси бўлимига юборадилар.

30. Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг Макроиқтисодий ривожланиш таҳлили ва стратегияси бўлими тасдиқланган протоколни Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимида рўйхатдан ўтказади ҳамда унинг Комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга тарқатилишини таъминлайди.

Комиссия қарорлари (протоколлари)нинг асл нусхалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг Макроиқтисодий ривожланиш таҳлили ва стратегияси бўлимида сақланади.

Комиссия номига келиб тушган бошқа барча ҳужжатларнинг асл нусхалари ва қабул қилинган қарорлар (протоколлар)нинг нусхалари Комиссия котибларида, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасида ва Марказий банкида сақланади.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### **Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси фаолиятини ташкил этиш схемаси**



Комиссияда кўриб чиқиш учун мўлжалланган хат-хабарлар: муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига; солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушиши ҳамда солиқлар ва бюджетга ҳамда давлат мақсадли фонdlарига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддати кечикириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш масалалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига юборилади.

Келган хат-хабарлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Давлат солик қўмитасида бошқа хат-хабарлардан алоҳида рўйхатдан ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисига ҳамда Молия вазирига юборилади.

Келиб тушган хат-хабарлар Комиссиянинг тегишли ҳамраиси томонидан кўриб чиқилгандан кейин Комиссия ҳамраисининг топшириги билан ижро этувчиларга юборилади.

Хатлар, илтимосномалар, таклифлар ва бошқа хат-хабарлар кўриб чиқиш учун юборилган ижро этувчилар ўн кун муддатда ёки ҳамраис топширигида белгиланган муддатларда ўз таклифларини тегишли равишда Марказий банкка ва Давлат солик қўмитасига киритадилар.

Комиссия котибияти аъзолари келган хат-хабарларни кўриб чиқадилар ва Комиссияда кўриб чиқиш учун ўз таклифларини тайёрлайдилар.

Комиссия котиблари Комиссия аъзолари билан биргаликда таклифларни умумлаштирадилар ҳамда Комиссия мажлиси протоколи лойиҳасини тайёрлайдилар, уни келишиш учун Комиссия аъзоларига юборадилар.

Комиссия аъзолари Комиссия протоколи лойиҳасини белгиланган тартибида келишиб оладилар.



Комиссия котиблари протокол лойиҳасини Комиссия мажлисига киритадилар, мажлис якунларини ҳисобга олган ҳолда уни пухта ишлаб чиқадилар ва Комиссия ҳамраисларига (ёки мажлисни ўтказган ҳамраисга) тасдиқлаш учун киритадилар.

Комиссия ҳамраислари (ёки мажлисни ўтказган ҳамраис) мажлис протоколини тасдиқлайдилар.

Комиссия котиблари Комиссия мажлисининг тасдиқланган протоколини Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг Макроиқтисодий ривожланиш таҳлили ва стратегияси бўлимiga юборадилар.

Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг Макроиқтисодий ривожланиш таҳлили ва стратегияси бўлими тасдиқланган протоколни Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимида рўйхатдан ўтказади, унинг Комиссия аъзоларига, манбаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга юборилишини таъминлади.

Комиссия протоколларидаги топшириқларнинг бажарилиши мониторингини олиб борадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

# 179 Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви республика органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ва гидрометеорология, табиий мухит ифлосланиши даражаси устидан кузатиш олиб бориш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет» маркази)га айлантирилсин.

2. Куйидагилар «Ўзгидромет» марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

гидрометеорология кузатишлари давлат тизимини, республика иқтисодиёти тармоқлари, аҳолиси ва қуроли кучларини гидрометеорологик таъминлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, корхоналар, муассасалар ва фуқароларни амалдаги ва кутилаётган гидрометеорология шарт-шароитлари ва иқлимининг ўзгариши, табиий мухитнинг ифлосланиши даражаси тўғрисидаги ахборот, хавфли ва стихияли гидрометеорология ҳодисалари пайдо бўлиши тўғрисидаги тезкор маълумотлар билан таъминлаш;

маълумотларнинг давлат гидрометеорология фондини ва табиий мухит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларнинг давлат фондини шакллантириш ва юритиш;

«Юза сувлар» бўлими бўйича сувларнинг давлат ҳисобини белгиланган тартибда юритиш, давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритиш бўйича барча ишларни мувофиқлашириш, йўналтириш ва бирлаштириш;

кишлоп хўжалик экинлари ва яйлов ўсимликларининг холати, стихияли гидрометеорология ходисалари пайдо бўлиши ва ривожланиши, атмосфера ҳавоси, тупрок ва юза сувлар ифлосланиши устидан мунтазам кузатувларни ташкил этиш ва олиб бориш;

гидрометеорология тавсифлари учун кузатишлар олиб бориш, об-ҳавони, дарёларнинг сувлилигини, иқлимининг ўзгаришини қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлаширишни яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

3. Белгилансинки, «Ўзгидромет» маркази шартномалар ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

#### 4. Куйидагилар:

«Ўзгидромет» марказининг ташкилий тузилмаси ва унинг ходимларининг умумий чекланган сони 15,5 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 14 нафар бўлган марказий аппарати 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисидаги низом З-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

«Ўзгидромет» маркази бош директорига ходимларнинг белгиланган сони ва улар таъминоти харажатлар сметаси доирасида марказий аппарат тузилмаси ва штат жадвалига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуки берилсан.

5. «Ўзгидромет» маркази ходимлари учун бепул кийимбош билан таъминлаш, шунингдек бориш қийин бўлган станцияларнинг ходимларини бепул овқат билан таъминлашнинг мавжуд тартиби сақлаб қолинсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 2004-2005 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маблағлари ҳисобига идоравий агрометеорология постлари тикланишини белгиланган тартибда таъминласин.

7. «Ўзгидромет» марказининг гидрометеорология жараёнларига таъсир кўрсашиб бўйича ҳарбийлаштирилган бошқармани Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ихтиёрига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсан.

«Ўзгидромет» маркази Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дўлга қарши ишларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги низомни тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўйича 2004 йил учун харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсан.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзгидромет» маркази билан биргаликда бир ой муддатда Давлат сув кадастри юритилишини ташкил этиш имконини берувчи юза сувлардан фойдаланиш ҳакида ҳисобот бериш шаклларини ишлаб чиқсан ва тасдикласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан биргаликда уч ой муддатда аэропортларнинг гидрометеорология станцияларида эскирган асбоб-ускуналар ва приборларни алмаштириш масаласини кўриб чиқсан.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати тўғрисида» 1992 йил 9 мартағи 110-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш хақида» 1992 йил 7 майдаги 225-сон (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 5-сон, 17-модда) қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 апрель,  
183-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 183-сон карорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология  
хизмати маркази («Ўзгидромет» маркази)нинг ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 183-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Гидрометеорология хизмати маркази марказий аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 183-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет» маркази) Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус вакил қилинган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

«Ўзгидромет» маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. «Ўзгидромет» маркази тизимида гидрометеорология бўйича ҳудудий бошқармалар, Гидрометеорология илмий-текшириш институти, Тошкент гидрометеорология коллежи, «Ўзгидрометприбор» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси киради.

Гидрометеорология бўйича ҳудудий бошқармалар «Ўзгидромет» марказига ҳисобот беради.

3. «Ўзгидромет» маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, гидрометеорология соҳасидаги халқаро шартномаларга ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

4. «Ўзгидромет» маркази ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. «Ўзгидромет» марказининг моддий-техника таъминоти ҳамда «Ўзгидромет» маркази тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш «Ўзгидромет» марказига ажратилган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ва қонун хужжатларida тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. «Ўзгидромет» маркази ва унга идоравий мансуб бўлган ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. «Ўзгидромет» марказининг вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар «Ўзгидромет» марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

гидрометеорология кузатишлари давлат тизимини, республика иқтисодиёти тармоқлари, ахолиси ва қуролли кучларини гидрометеорологик таъминлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, корхоналар, муассасалар ва фуқароларни амалдаги ва кутилаётган гидрометеорология шарт-шароитлари ва иқлимининг ўзгариши, табиий мухитнинг ифлосланиши даражаси тўғрисидаги ахборот, хавфли ва стихияли гидрометеорология ходисалари пайдо бўлиши тўғрисидаги тезкор маълумотлар билан таъминлаш;

маълумотларнинг давлат гидрометеорология фондини ва табиий мухит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларнинг давлат фондини шакллантириш ва юритиш;

«Юза сувлар» бўйича сувларнинг давлат ҳисобини белгиланган тартибда юритиш, давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритиш бўйича барча ишларни мувофиқластириш, йўналтириш ва бирлаштириш;

кишлоп хўжалик экинлари ва яйлов ўсимликларининг ҳолати, стихияли гидрометеорология ходисалари пайдо бўлиши ва ривожланиши, атмосфера ҳавоси, тупрок ва юза сувлар ифлосланиши устидан мунтазам кузатувларни ташкил этиш ва олиб бориш;

гидрометеорология тавсифлари учун кузатишлар олиб бориш, об-ҳавони, дарёларнинг сувлилигини, иқлимнинг ўзгаришини қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлаشتаришни яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

8. «Ўзгидромет» маркази ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

гидрометеорология соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

гидрометеорология ахборотини тўплаш, уни таҳлил этиш ва умумлаشتариш; ердаги ва аэрологик гидрометеорологик кузатишлар тармоқларини, шу жумладан масофадан туриб зондлаш учун техник жиҳозлашни ривожлантириш, уларни ишлатиш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш;

кузатишлар маълумотларини тўплаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш ва уни ишчи ҳолатда сақлаш ҳамда тезкор гидрометеорология, иқлим хизматлари ва атроф мухитга тегишли бўлган хизматлар кўрсатиш максадида уларни қайта ишлаш;

гидрометеорологик прогнозлаشتариш моделлари ва тизимларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш;

гидрометеорологик ва иқлим маълумотлари миллий базасини ташкил этиш; миллий ва ҳалқаро даражаларда илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш, гидрометеорология фанини замонавий технологиялар негизида ривожлантириш; аҳоли учун гидрометеорология ахбороти, прогнозлар ва огохлантиришлар шаклида хизматларнинг ҳар хил турларини кўрсатиш;

кишлоп хўжалиги, авиация, миллий мудофаа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ижтимоий тезкор гидрометеорология хизмати кўрсатиш;

атмосферанинг ифлосланиши, юза (табиий сув оқимлари), тупрок ифлосланиши мониторинги ва фон мониторингини (маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил этиш ва ахборот тайёрлаш), атмосфера ифлосланиши даражаси прогнозини юритиш;

иқлим ўзгариши мониторингини таъминлаш ва унинг тахминий прогнозларини тақдим этиш, шунингдек унинг иқлимининг ўзгаришига таъсири чоралари ва вариантларини баҳолашга хисса кўшиш;

метеорология, гидрометеорология ва агрометеорология приборлари ва қурилмаларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда текшириш ва аттестациядан ўтказиш;

тегишли ҳалқаро мажбуриятларни, шу жумладан Бутунжаҳон Метеорология Ташкилоти Конвенцияси, БМТнинг иқлимининг ўзгариши бўйича конвенцияси, БМТнинг чўлга айланиш ва курсоқчиликка қарши кураш конвенцияси, ЮНЕСКОнинг ҳалқаро гидрология дастури доирасида мажбуриятларни бажариш, дастурлар ва ҳалқаро фаолиятда иштирок этиш воситасида миллий манбаатларга кўмаклашиш;

Бутунжаҳон Метеорология Ташкилотининг Жаҳон об-ҳаво хизмати тизимида минтақавий метеорология маркази функцияларини бажариш.

9. «Ўзгидромет» маркази ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита худудий бошқармалар ва ўзига идоравий мансуб ташкилотлар орқали ҳал этади.

### **III. «Ўзгидромет» марказининг ҳуқуқ ва жавобгарлиги**

10. «Ўзгидромет» маркази ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат бошқаруви бошқа органларидан, корхоналар ва ташкилотлардан «Ўзгидромет» марказига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган гидрометеорология бўйича материалларни олиш;

Бутунжаҳон Метеорология Ташкилоти ва Гидрометеорология бўйича Давлатлараро Кенгашда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

халқаро ташкилотларнинг мутахассисларини эксперт сифатида жалб этиш;

хўжалик шартномалари асосида ихтисослаштирилган гидрометеорология хизмати ишларини бажариш.

«Ўзгидромет» маркази Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

11. «Ўзгидромет» маркази, ўз ваколатлари доирасида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

«Ўзгидромет» маркази, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда кўшма қарорлар ва ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. «Ўзгидромет» маркази ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

### **IV. «Ўзгидромет» маркази фаолиятини ташкил этиш**

13. «Ўзгидромет» марказига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Бош директор бошчилик қиласди.

Бош директор уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

«Ўзгидромет» маркази Бош директорининг ўринбосарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

«Ўзгидромет» маркази Бош директори мақомига кўра вазирга, Бош директорнинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директорнинг ўринбосарлари — вазирнинг ўринбосарларига tenglashshiriladi.

14. Бош директор:

«Ўзгидромет» маркази фаолиятига яккабошлиқ асосида умумий раҳбарлик қиласди;

«Ўзгидромет» маркази ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди ва «Ўзгидромет» марказига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, «Ўзгидромет» маркази тизимининг бошқа мансабдор шахслари вако-

латларини, «Ўзгидромет» маркази фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги дарражасини ҳамда ўзига қарашли бўлинмалар ва ташкилотлар ишини белгилайди;

«Ўзгидромет» маркази тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруклар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

«Ўзгидромет» марказининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, «Ўзгидромет» маркази марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек «Ўзгидромет» маркази марказий аппарати, марказга қарашли бўлинмалар ва ташкилотларнинг харажатлари сметасини тасдиқлайди;

«Ўзгидромет» марказининг таркиби ва худудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни, «Ўзгидромет» маркази тизимиға кирадиган ўзига қарашли ташкилотларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

«Ўзгидромет» маркази марказий аппарати ходимларини, «Ўзгидромет» маркази тизимиға кирадиган таркиби ва худудий бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Худудий бўлинмалар ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган холда «Ўзгидромет» маркази томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

«Ўзгидромет» марказининг вилоят бўлинмалари раҳбарлари тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича «Ўзгидромет» марказининг Бosh директори томонидан тайинланади.

16. «Ўзгидромет» марказини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 14 апрелдаги 183-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Махкамасининг «Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси тўғрисида» 1993 йил 7 июня даги 271-сон қарори З-бандининг иккинчи хатбошидаги «Гидрометеорология бош бошқармасининг бошлиғи» сўzlари «Гидрометеорология хизмати марказининг бош директори» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 2 октябрдаги 375-ф-сон фармойиши 1-бандидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазиригининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарори 13-бандининг биринчи хатбошидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 17 июлдаги 255-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 7-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари ягона тизимини ташкил этиш ва уни юритиш тарти-

би тўғрисидаги низомнинг 8-банди учинчи хатбошидаги «Бошгидромет» сўзи «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 218-ф-сон фармойишининг 1-банди ва 2-банди биринчи хатбошидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 июлдаги 549-сон қарорида:

Ҳаво бўшлиғидан фойдаланишга буюртма ва Ҳаво хужумига карши мудофаа кўшинларига хабарнома бериш тартибининг 3-бандидаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш ягона тизимининг идоралараро комиссияси ва бошқарув органлари тўғрисидаги низом 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

12-банддаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

17—19, 22, 28—30-бандлардаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

32-банддаги «Гидрометеорология бош бошқармасининг» сўzlари «Ўзгидромет» марказининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасининг Давлат сув кадастрини юритиш бўйича функциялари» бўлимининг номи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Давлат сув кадастрини юритиш бўйича функциялари» деб номлансин;

34-банддаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

37, 38, 41, 42-бандларидаги «Гидрометеорология бош бошқармасига» сўzlари «Гидрометеорология хизмати марказига» сўzlари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган 1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини амалга ошириш тадбирларининг 2.12-бандидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Чимён-Чорвок зонаси табиий бойликларини саклаш ҳамда худудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндошишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 10 марта 83-сон қарорининг 6 ва 7-бандларидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларининг дастурини амалга ошириш масалалари тўғрисида» 2000 йил 9 октябрдаги 389-сон қарорида:

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

Парник газлари эмиссиясини камайтириш миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича тадбирларининг 3, 6, 8 ва 10-бандларидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 12-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган Тугатилаётган ёки бошқа идораларга берилаётган ҳамда Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқарилаётган ташкилотлар ва корхоналар рўйхатининг 6-банди чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 3 апрелдаги 111-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 4-сон, 19-модда):

2-банднинг биринчи хатбошидаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомда:

12-банднинг учинчи хатбошидаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин;

Низомга 1 ва 2-иловалардаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «2003—2007 йиллар даврида Коракалпогистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ривожлантирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 1 августдаги 276-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбошидаги «Бошгидромет» бошқармаси» сўzlари «Ўзгидромет» маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган 2003—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастурида, А.2, А.3, А.4, А.5, А.6.1, Б.1, Б.2, В бандларидағи «Бошгидромет» бошқармасининг» сўzlари «Ўзгидромет» марказининг» сўzlари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 декабрдаги 576-сон қарори билан тасдиқланган 2004 йил учун статистик ишлар Дастурида, «Бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан бажариладиган статистик ишлар» II бўлимдаги «Гидрометеорология бош бошқармаси» сўzlари «Гидрометеорология хизмати маркази» сўzlари билан алмаштирилсин.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНинг  
ҚАРОРИ

**180** *Давлат улушкини бошқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 апрелда 1262-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуси ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариши такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш максадида қарор қиласми:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси томонидан 2003 йил 16 июль куни 86-сон билан тасдиқланган давлат улушкини бошқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 1 август, рўйхат раками 1262-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 15-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 март,  
38-сон

**Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
Давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 март,  
01/06-04-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**181      Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
15 апрелда 957-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 25 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунинг янги таҳририга мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. «Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидалари»га (2000 йил 17 август, рўйхат рақами 957-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 февраль,  
474-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**182      Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлгуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 апрелда 1337-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури» ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгач амалга киритилсин.

### **Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 март,  
563-сон

Марказий банки Бошқарувининг  
2004 йил 1 марта 563-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит (кейинги ўринларда — кредит) бериш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом асосида кредитлар давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи фермер хўжаликларига қайташилик, тўловлилилк, таъминланганлик, муддатлилилк ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

Давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириб бермайдиган фермер хўжаликларини кредитлаш Марказий банкнинг «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, шунингдек кичик бизнес субъектларини милллий валютада кредитлаш Тартиби» (2000 йил 7 март, рўйхат раками 907-сон — Меърий хужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) асосида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғар-

маси (кейинги ўринларда — Жамгарма) кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган фермер хўжаликлариға ғалла етишириш учун «Ўздонмаҳсулот» тайёрлов корхоналари билан тузилган контрактация шартномаси суммасининг 30 фоизигача микдорида, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликлариға контрактация шартномаси суммасининг 80 фоизигача микдорида кредит берилиши мумкин.

Жамгарма кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олган пахта хом ашёси етиширадиган фермер хўжаликлариға ушбу кредит контрактация шартномаси суммасининг 20 фоизигача микдорида, ушбу кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олмаган фермер хўжаликлариға бериладиган кредит микдори контрактация шартномаси суммасининг 70 фоизигача микдорда берилади.

3. Кредитлар мазкур Низомда белгиланган шартлар асосида кредитни қайтаришга кодир бўлган қарз олувчиларга шартнома асосида 1,5 йилгача (18 ой) бўлган муддатга, қайтириш муддатини узайтириш хукуқисиз мижознинг асосий талаб килиб олингунча депозит ҳисобварафи жойлашган манзил бўйича берилади.

4. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари микдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.

5. Кредитлар қарз олувчиларга қуидаги мақсадлар учун берилади:  
қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни харид қилиш;  
ёнилғи-мойлаш материалларини харид қилиш;  
минерал ўғит, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалири, ветеринария дори-дармонлари сотиб олишга  
МТП, муқобил МТП, ширкат хўжаликлари, СФУ (Сувдан фойданувчилар уюшмаси), бошқа хўжалик субъектлари хизматларидан фойдаланганлик учун тўловлар;  
бевосита ғалла ва пахта хом ашёси ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар учун.

## II. Кредитларни расмийлаштириш тартиби

6. Кредит олиш учун фермер хўжалиги унинг асосий депозит ҳисобварафига хизмат кўрсатаётган банкка қўйидаги хужжатларни тақдим этишлари лозим:

кредит олиш учун ариза;  
тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;  
пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;  
охирги ҳисобот санасига Давлат солик хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл).

кредитни қайтириш таъминоти.

7. Олинадиган кредитнинг қайтириш таъминоти сифатида қарз олувчи банкка ўзига узок муддатга ижарага берилган ердан жорий йилда олинадиган бўлғуси ҳосилни таъминот сифатида тақдим этади.

Бунда банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилни гарови шартномаси имзоланади. Шартномада гаровга қўйилган ҳосилни «Ўздонмаҳсулот» ва «Пахтасаноат» тайёрлов корхоналарига ва бошқа хўжалик субъектларига сотишдан тушган барча пул маблағлари биринчи навбатда ушбу кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилиши тўғрисидаги шартлар белгилаб қўйилади.

Шунингдек, гаров шартномасига фермер хўжалиги томонидан бўлғуси ҳосил-

ни кредит берган банк-бенефициар фойдасига ихтиёрий суурита қилинганилиги түғри-  
сидаги суурита полисини илова этиши шарт.

8. Кредит сўраб, мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган барча за-  
тур ҳужжатларни илова килган ҳолда, берилган аризанинг банкка келиб тушган  
кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан кредит бериш ёки рад қилиш  
хақида хулоса бериш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

9. Кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредит бўлими бошлиғи (ходими),  
бериладиган кредитнинг миқдори, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда  
хисобварафии очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш беради.

### **III. Кредитларни бериш, ҳисобини юритиш ва кредитни қайтариш тартиби**

10. Банк ва фермер ҳўжалиги ўртасида кредит шартномаси имзоланиб, у амал-  
га киритилганидан кейин, банк фермер ҳўжалиги учун алоҳида ссуда хисобварафи-  
ни очади ва ундан қарз олувчининг тўлов топширикномалари асосида фақат нақд  
пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш йўли билан берилади.

11. Берилган кредитлар 14301 — «Хусусий корхоналарга, ширкатлар ва корпора-  
цияларга берилган ўрта муддатли ссудалар» баланс хисобварафида хисобга олинади.

12. Алоҳида ссуда хисобвараклари бўйича берилган кредитлар бўйича муддат-  
ли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар кредит бўлими ходимининг  
фармойишига кўра кредит тўла қайтарилганига қадар 91903 — «Қарз олувчилар-  
нинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» номли, кўзда тутилмаган  
шароитлар хисобварафида хисобга олинади.

13. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати  
давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг  
лойихаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама  
кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим. Банклар томонидан мониторинг амалга  
oshiрилиш тартиби, берилган кредитлар бошқа мақсадларда ишлатилган қарздорга  
нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кредит шартномасида белгилаб  
кўйилган бўлиши керак.

14. Мониторинг жараёнида фермер ҳўжалиги томонидан етиштирилаётган экин-  
лар ҳолати ва уларни парвариашлаш бўйича зарур агротехника ишларининг ўткази-  
лиши ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш бўйича жойларга бориб  
ўрганишлар ўтказиб турилади. Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки  
улар аҳволининг қониқарсизлиги, жумладан, агротехника тадбирларининг муддати-  
да амалга оширилмаслиги, экин майдонини бегона ўтлар босиб кетгани, суфорилма-  
ганлик натижасида экинларни нобуд бўлиш хавфи вужудга келгани ва шунга ўхшаш  
ҳолатлар сабабли етарли ҳосил тўпланмаслиги хавфи вужудга келса, банк кредит-  
лашни тўхтатади ҳамда берилган кредит ва унга хисобланган фоизларни муддати-  
дан олдин ундириб олади. Ушбу ҳолатлар кредит шартномасида келишиб олинган  
бўлиши лозим.

15. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни хисоблаш қонунчиликда бел-  
гиланган тартибда амалга оширилади, уларни ундириш ойда бир марта, кредит  
шартномасида келишилган санада амалга оширилади. Олинган кредит бўйича хисоб-  
ланган фоизларнинг қолдиги ва асосий қарз тўлови қарз олувчининг маҳсус 23210,  
23220-сонли хисобваракларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхо-  
наларига сотишдан тушган маблағлар хисобидан биринчи навбатда амалга ошири-  
лади. Бунда хисобланган фоизлар кредит бўйича қарздан олдин ундириб олинади.

Фермер хўжаликлари кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эгалар.

16. Қарздорнинг 23210, 23220-сонли маҳсус ҳисобварафидаги маблағлар олингандан кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, фоизлар ва кредит қолдигини ундириш қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидаги мавжуд маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган навбат тартибида амалга оширилади.

Бунда ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиги муддати ўтган ссудалар ҳисобварафи орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади

17. Қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидаги ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдигини ундириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, банк қарздорнинг муддатли мажбуриятномаси асосида унинг барча иккиламчи депозит ҳисобвараклари очилган банкларга ушбу ҳисобваракларда мавжуд пул маблағларини асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафига ўтказиб беришни сўраб ёзма талаб йўллайди. Қарздорнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафи очилган банклар кредитор банкнинг ушбу талабини Фуқаролик кодексининг 784-моддаси талабларидан келиб чиқкан ҳолда, мемориал ордер билан иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафи эгасининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафига ўтказиб бериши шарт. Бунда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафига келиб тушган маблағлар ҳисобидан фоизлар ва кредит қолдиги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан ўчириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада (1999 йил 30 январь, рўйхат рақами 615-сон) белгиланган календарь навбати тартибида ундирилади. Бунда фоизлар кредитдан олдин қайтарилади.

18. Агар қарздор томонидан етиштирилган ҳосилни сотишдан тушган маблағлар ва унинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидаги маблағлари банк кредитини ва ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларни амалга оширишга етарли бўлмаган тақдирда, банк бўлғуси ҳосилни суфуртаси тўловидан олинган маблағларни кредитни ва ҳисобланган фоизлар тўловини амалга оширишга йўналтиради.

Ҳосилни сотишдан ҳамда суфурта тўловларидан тушган маблағлар ҳисобланган фоизлар ва кредитни қайтаришга етмаган тақдирда банк томонидан кредит ва ҳисобланган фоиз қолдиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 4 декабридаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби»да белгиланган тартибда ундириб олинади.

19. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватла қўмитаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Дехкон ва фермер хўжаликлири ўюшмаси билан келишилди.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 февраль.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 февраль.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 февраль.

**Ер ресурслари давлат қўмитаси  
раиси Э. ҚУРБОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 февраль.

**Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси  
раиси С. ҚОБИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУФИ

**183 Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва  
бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 апрелда 1338-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли «Суфурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг З-бандига мувофиқ **буюраман**:

1. Илова қилинган Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн ўтгач кучга киритилсин.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 март,  
52-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Молия вазирининг  
2004 йил 25 мартағи 52-сон  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## **Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Конунинг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли «Суфурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чоратадибрлари тўғрисида»ги қарорининг З-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерларига қўйиладиган малака талабларини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан тайинланган суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарларига тадбиқ этилмайди.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мақсадини амалга оширишда қўйидаги тушунчалар кўлланилади:

**суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари** — конунчилик ва суфурталовчининг таъсис хужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суфурталовчининг ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суфурталовчининг коллегиал ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс;

**суфурталовчининг бош бухгалтери** — суфурталовчининг бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий бошқаруви функциясини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисоботини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни мақсадга мувофиқ, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган шахс;

**Давсуфуртаназорат** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги суфурта назорати давлат инспекцияси.

2. Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ёки бош бухгалтери лавозимга сайланган ёки тайинланган вактдан бошлаб 10 иш куни мобайнода суфурталовчи бу ҳақда тўлдирган анкета (мазкур Низомга илова)ни илова қилган ҳолда Давсуфуртаназоратни хабардор қилишга мажбур.

### **II. Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига қўйиладиган малака талаблари**

3. Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

олий маълумотга эга бўлиши;

суфурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суфурта соҳасида бир йиллик иш стажи ушбу лавозимга тайинланиш ёки сайланишдан олдин келиши керак;

4. Суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари этиб, раҳбар томонидан амалга оширилган харакатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш

тўғрисида қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтгача бир йилдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ҳар қандай юридик шахснинг раҳбари (биринчи шахс) бўлиб хисобланган шахс суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари лавозимига тайинланиши ёки сайланиши мумкин эмас.

### **III. Суфурталовчининг бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари**

5. Суфурталовчининг бош бухгалтери қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт: олий касбий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши; 2 йилдан кам бўлмаган бухгалтер иш стажига эга бўлиши.
6. Истисно ҳолларида суфурталовчининг бош бухгалтери лавозимига олий касбий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлмаган шахс, 5 йилдан кам бўлмаган молиявий, бухгалтерлик иш стажи мавжуд бўлиши шарти билан тайинланиши мумкин.

### **IV. Мазкур Низом шартларини бузганлик учун қўлланиладиган чоралар**

7. Агар суфурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ёки унинг бош бухгалтери тақдим қилинган хужжатлар бўйича ўрнатилган малака талабларига мос келмаса, Давсуфуртаназорат суфурталовчига кўрсатма олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичida камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради.

8. Давсуфуртаназорат кўрсатмасида кўрсатилган камчиликлар суфурталовчи томонидан бартараф этилмаган тақдирда, Давсуфуртаназорат ушбу суфурталовчига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ чоралар кўради.

### **V. Якунловчи қоида**

10. Мазкур Низомдан келиб чиқсан низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўрнатилган тартибда ҳал этилади.

Суфурталовчининг ижро этувчи  
органи раҳбарлари ва бош бухгалтер-  
ларига қўйиладиган малака талаблари  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### **Суфурталовчининг ижро этувчи раҳбари ва бош бухгалтери тўғрисида маълумот анкетаси**

#### **Биринчи қисм. Анкетани тўлдириш қоидалари**

Анкета шахснинг ўз қўли билан, тушунарли дастхатда, сиёҳ ёки қора, қўк, бинафша рангли шарикли ручка пастасида тўлдирилиши керак. Ҳамма саналар араб рақамида ёзилиши шарт.

Анкетанинг ҳамма саволларига тўлиқ ва аниқ жавоблар берилиши ҳамда анке-

танинг бирор қисми тўлдирилмасдан қолмаслиги шарт. Ҳеч бўлмаса тўлдирилмай қолган бирор бир қисмининг мавжудлиги, анкетанинг тўлиқ тўлдирилмаганлигини англатади ва у суфурталовчига қайта ишлаш учун қайтарилади. Зарур бўлганда тўлиқ маълумот келтириш учун анкетага қўшимча вараклар илова қилиниши мумкин.

### **Иккинчи қисм. Анкета**

#### **1. Анкета тўлдирувчининг шахси тўғрисида маълумот**

Код	Саволлар	Жавоблар
1.	Фамилияси	
2.	Исми	
3.	Отасининг исми	
4.	Аввалги фамилияси (агар фамилия ўзгарган бўлса)	
5.	Туғилган йили	
6.	Туғилган жойи	
7.	Паспорт рақами ва серияси	
8.	Уй адреси (паспортда рўйхатга олингани бўйича)	
9.	Уй адреси (яшашиб жойи бўйича)	

#### **2. Охирги 10 йил мобайнода бандлиги тўғрисида маълумотлар** (маълумотлар ҳар бир ташкилот (корхона) бўйича алоҳида берилади)

Код	Саволлар	Жавоблар
10.	Ишлаган даври	___ йил «__» ____ дан ___ йил «__» ____ гача
11.	Бандлик тавсифи (керагини белгиланг)	а) меҳнат шартномаси бўйича; б) якка тартибдаги тадбиркор; в) ишламаган; г) кундузги ёки сиртқи бўлимда ўқиган.  «б», «в» ёки «г» жавоб бўлганда батафсил кўрсатинг
12.	Ташкилот (корхона) номи	
13.	Сизга маълум бўлган ташкилот (корхона)нинг охирги манзили	
14.	Лавозим (лавозимлари)	

#### **3. Таълим бўйича маълумотлар**

(фақат олий ўқув юртидаги таълим кўрсатилади, ҳар бир ОЎЮ бўйича алоҳида)

Код	Саволлар	Жавоблар
15.	Олий ўқув юртининг номи	
16.	Ушбу ўқув юртининг анкета тўлдирувчига маълум бўлган охирги манзили	
17.	Таълим олиш шакли (керагини белгиланг)	а) кундузги; б) сиртки; в) кечки.

Код	Саволлар	Жавоблар
18.	Кирган сана	
19.	Ўқишини яқунлаган сана	
20.	Олган даражаси	
21.	Олган мутахассислиги	
22.	Ўқишини тамомлаганлик тўғрисида диплом ёки бошқа ҳужжат серияси ва рақами	Серияси _____ Рақами _____
23.	Агар анкета тўлдириувчи ушбу ОЎЮда ўқишини тугатган бўлмаса, сабабини кўрсатинг	

**4. Анкета тўлдириш вақтида анкета тўлдириувчининг эгаллаган лавозими тўғрисида маълумот**

Код	Саволлар	Жавоблар
24.	Суѓурталовчи номи	
25.	Суѓурта фаолиятини амалга ошириш учун суѓурталовчи лицензияси серияси ва рақами	
26.	Анкета тўлдириувчининг тайинланган ёки сайданланган лавозимининг тўлиқ номи	
27.	Сайданиш ёки тайинланиш санаси	
28.	Анкета тўлдириувчига мажбуриятлар юклатилган лавозимнинг тўлиқ номи	
29.	Мажбурият юклатилган сана	

**5. Қўшимча маълумотлар**

Код	Саволлар	Жавоблар
30.	Анкетани тўлдирувчи раҳбар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор чиқарилишига олиб келганилиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтгача бир йилдан ортиқ бўлмаган давр мобайнада ҳар қандай юридик шахснинг раҳбари (биринчи шахс) бўлиб ҳисобланганми (керагини белгиланг)	а) бўлмаган б) бўлган
	«б» жавоби белгиланган ҳолда, ташкилот номи ва анкета тўлдириувчининг лавозимини кўрсатинг	

— ушибу анкетада келтирилган маълумотлар ҳақиқий ва тўғрилигини;
— ушибу анкетани тўлдириши қоидалари билан танишганлигимни тасдиқлайман
Анкета тўлдириувчининг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми
Анкета тўлдириувчининг имзоси
Имзо санаси

Анкета тўлдирувчи менинг ҳузуримда анкетанинг ҳар бир варагини ўз қўли билан имзолаганлигини тасдиқлайман	
Суғурталовчининг жавобгар шахсини тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми	
Суғурталовчининг жавобгар шахсини имзоси	
Имзо санаси	

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
 ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

## **184 Олий таълим муассасалари талабаларига стипендия- лар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқ- номани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
 16 апрелда 1339-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги «Олий ўкув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва микдорлари тўғрисида»ги 344-сонли қарорининг З-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қила-  
дилар:**

1. Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқнома иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, 10 кун ўтганидан кейин кучга киради.
3. Ушбу қарор кучга кирган кунидан сўнг, куйидаги ўриқномалар ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансан:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 14 январдаги 1-П, 13-сонли «Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2002 йил 6 март, рўйхат рақами 1104-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 20 августдаги 4-П ва 100-сонли «Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқномага киритилган ўзгартишлар тўғрисида»ги қарори (2002 йил 29 август,

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

**184-модда**

**— 40 —**

**15 (99)-сон**

пўйхат рақами 1104-1-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й.,  
15-16-сон).

**Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири С. ФУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 март,  
2-П-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 март,  
43-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2004 йил 10 апрелдан 16 апрелгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Давлат улушларини бошқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2004 йил 4 мартағи 38, 01/06-04-сон қарори.

**2004 йил 12 апрелда 1262-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 апрелдан кучга киради).**

2. «Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 474-1-сон қарори.

**2004 йил 15 апрелда 957-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 апрелдан кучга киради).**

3. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаравга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 мартағи 563-сон қарори.

**2004 йил 16 апрелда 1337-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 апрелдан кучга киради).**

4. «Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 25 мартағи 52-сон буйруғи.

**2004 йил 16 апрелда 1338-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 апрелдан кучга киради).**

5. «Олий таълим муассасалари талabalariга стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўтиқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004 йил 10 мартағи 2-П, 43-сон қарори.

**2004 йил 16 апрелда 1339-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 апрелдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Таълим муассасаларида степендијалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғриси-

даги йўриқнома, 1-сонли ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (06.03.2002 й., рўйхат рақами 1104-сон; 29.08.2002 й. рўйхат рақами 1104-1-сон).

Адлия вазирининг 2004 йил 16 апрелдаги 91-мҳ-сон буйруғи билан реестрандап чиқарилди.

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Маиший-рўзгор чиқиндиларини ташиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директорининг буйруғи.

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво ҳаракатларини ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш» Авиация қоидаларини тасдиқлаш хақида» Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг буйруғи.

**Мазкур ҳужжатлар Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжатлар деб топилди. Улар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**